

# **ЗҮРАВОНЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ**



Мамлакатимизнинг узоқ ҳудудларида ҳам тазиқлардан, камситишлардан, ҳуқуқсизликда азият чекаётган хотин-қизлар, норасидаларнинг қанчадан-қанчаси додини қаерга бориб айтишни билмаяпти.

Эндиликда уларнинг ҳуқуқларини тиклаш, зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида ИИВда 24 соат ишлайдиган call-марказ ташкил этилади.

Жорий йилнинг 10 январидан ўз фаолиятини бошлаган мазкур call-марказга “1259” қисқа рақами орқали боғланиш мумкин.

ИИВ мурожаатларни тинглайди, текширади ва фуқароларнинг ҳуқуқлари тиклашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, профилактика инспекторлари ҳам шикоятларини ИИВга “1286” қисқа рақами орқали баён қилиши мумкин.

Шунингдек, 10 январдан ишга туширилган Telegram-bot @JXD\_HUQUQIY\_YORDAMBOT орқали ҳам шикоят ва мурожаатлар қабул қилинади.

С.Худойқурова,

Туман ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, лейтенант